

(Ўртоқ Бойбўлатовга очик хат)[1]

Дўстим, ойлар, йиллар тиришиб, бир асар чикарган мухаррир[2] дўстларнинг шу асар хақидаги мухокамаларини тинглашдан, асарнинг камчиликларини ўрганишдан, албатта, мамнун бўлади.

Менинг «Ўзбек адабиёти намуналари» аталган арзимас бир асарим[3] хақида фикрингизни билдирмаслик учун анча уриниб, 3-сон газетни тўлдирганингизни кўриб мамнун бўлдим[4], ўкиб ҳам чиқдим. Хамма гапдан бурун Сизга ташаккуримни билдираман. Лекин бахтга қарши мақолангизни шунчалар кенгайтиргансизким, кенглиги асл мақсаднинг йўқолишига сабаб бўлган. Бизда болалар орасида «Кўзим кўрмайдир» деган бир ўйун бор: Бир бола кўзини каттик боғлагандан кейин кўлига узун бир таёк олиб, ўртада туради. Бошқалар унинг оёғини олмок учун атрофдан хужум қиладилар. Таёкли бола таёғини кўтариб «кўзим кўрмайдир» деб, тез-тез айланаберадир, таёк кимга тўғри келса, шунга тегадир. Мақолани ёзганда сизнинг қаламингиз ҳам шул кўзи кўрмас боланинг таёғига ўхшаган: айланган, айланган, кимга тўғри келса, шунга теккан, орада менинг китобим унутилган, жуда оз ўрин олган.

Хар ҳолда мақолангиз кўбрак менинг шахсимга қаратилгани муносабати билан жавоб тарзида эмас, дардлашув шаклида бир нарса ёзаман. Менинг асаримни бошлаб тартибига эътироз қилганингиз кўриладир. Адабиёт тарихимизни қоплови[5] «Феўдализм», «Савдо сармоёси» каби даврларга ажратишимга қарши каби кўринадисиз. Лекин ўз фикрингизни, яъни қандай тақсим қилиш лозимлигини ёзмагансиз. Адабиёт мутахассиси ёки адабиёт тарихи билан машғул бир одам бўлса эдингиз, шу баҳона билан сизга «ёпишмок» мумкин эди. Лекин мен биламанким, сиз адабиёт тарихининг одами эмассиз, мақолангиз эса тасодифий бир ходисадир. Шунинг учун бу тўғрида маъзур кўраман сизни. Лекин шуни айтиб ўтаманким, адабиёт тарихини тақсим қилишда марксизм усулининг талаб қилгани йўл менинг тақсимимдир. Бу тақсимни ўзбек адабиёти тарихига тадбиқ қилишнинг ўзи катта ҳам янги бир иш. Бунинг ҳудудини тайин қилишда баъзи янглишларнинг бўлуви мумкин. Лекин уларни кўрсатиб, исбот қилиб, сўнгра тил текириш[6] керак эди. Сиз мақолангизда бу томонга яқинлашган даврларни бир-биридан ажратган хусусиятларнинг йўқлигидан шикоят қилгансиз, лекин сиз хар даврнинг намуналарини ўқидингизми? Масалан: «Савдо сармоёси» даври билан «Феўдализм» даврининг намуналари орасидаги Шаклда ва мазмундаги айирмаларни кўра олдингизми? Ёки кўриб, қаноатланмадингизми? Қаноатланмаган бўлсангиз сиз бу даврларни бир-биридан ажратган қандай хусусиятлар истайсиз (ки намуналари бўлмасин). Масъаланинг бу томонларидан (яъни энг муҳим ва фойдалиқ томонларидан) мақолангиз сукут қиладир. Холбуки, шу томонларни очик кўрсатганингиздагина менинг китобимнинг камчиликларини кўрсатган ва менга бир нарса ўргатган бўлур эдингиз. Буни ҳам сизнинг адабиёт тарихининг одами бўлмасдан тасодифан майдонга чиқганингизга бағишлайман. Мақолангизда чигатой адабиёти ва унинг пролетар адабиётига асос бўлиши тўғриларида кўбрак туриб, бор қучингиз билан хужум қиласиз. Фитрат сўз бошида «Чигатой адабиёти пролетариат адабиётига асос бўладир деган» деб, қоравул қичқирасиз, хатто менинг бош сўзимда ўзингизга ёрдам қилгудек кўринган бир-икки

жумла хам келтирасиз. Чигатой адабиётининг пролетар адабиётига асос бўлишини даъво килмок нари турсин, бош сўзимда чигатой адабиётини мафкура ёгидан ярамаганини сўйлаганман. Менинг «намуналар»им босилмаса эди, сиздан бошка хеч кимнинг кўлида унинг нусхалари бўлмаса эди, бош сўзимдан кўчирганингиз бир-икки жумланинг балки сизга фойдаси бўлур эди. Нима чораки, китоб Ўзбекистонда босилиб таркалган. Сизнинг маколанингизни ўкуган хар ким менинг бош сўзумни хам ўкуй оладир. Ўкугач, сизнинг менга тухмат килиб турганингизни хам онглайдир. Мен сўз бошимдаги ибораларнинг масъалага дахлдорлик кисмини тамоман кўчираман, янгидан ўкишингизни ва эътирозингизни шунга таяндириб, янгидан майдонга чикишингизни талаб киламан: «Биз ўзбекларнинг ва, умуман, Ўрта Осиё туркларининг тарихига оид арабий, форсий, туркий тилларда бир кўб асарлар ёзилган. Бирок бу асарлар бизнинг сиёсий харакатларимизни тор бир рамкада кўрсатмакдан бошка ишга оз ярамакдадир. Халкимизнинг, ўлкамизнинг ижтимоий-иктисодий холларига оид хабарларни бу асарлардан истаб топиш жуда кийиндир, баъзан мумкин хам бўлмайдир, чунки йўқдир. Адабий тарихимизни текшириш эса, мана шу камчиликларни тўлдиришга катта ёрдам киладир. Феўдалларнинг, умуман, хоким синфнинг омма билан муносибатларини, оммага карашларини, зиёлиларнинг, шоирларнинг хоким синфга муносибатларини, хоким синф фойдасига караб оммани кандай овутганларини, олдаганларини, хоким синфнинг кайф-сафони (Бобирча, «айш ва фиски») кайси даражаларга чиқарганларини ёлгиз адабиёт тарихимизда кўришимиз мумкиндир.

Бундан бошка, тарихий санъаткорларимизни текшириш, уларнинг тажрибаларидан кўрмок истаганимиз пролетар адабиёти учун фойдаланиш хам кераксиз бир харакат бўлмайдир. Мана шу кискагина изохот бу китобни кандай тилак билан тартиб килганимизни билдирган бўлса керак.

Мана шу сўз бошимда менинг томонимдан айтилган гаплар. Мана шу гапларга эътирозингиз бўлса, айтишга хаклисиз. Йўкса, менинг сўзларимни бош-оёгини кесиб ташлаб, ўз мақсадингизга яроклик бир холга киргизиб, сўнгра эътироз килишингиз илмий бир харакат саналмайдир.

Китобимнинг 3-бўлимига «Савдо сармоёси» даври исмини берганимдан хам рози бўлмайсиз, шу истилохотнинг охирида каттакон бир ? (сўрок) аломати кўясиз. Биз темурийлар даврини «савдо буржуазияси» даври деймиз. Темурийларнинг жахонгирлиги(ни) Ўрта Осиё савдо сармоёсининг тараккийси билан изох килмокчи бўламиз. Бунинг учун кўлимизда етарлик материаллар бор. Сиз шунга рози эмаслигингизни чиройли бир савол аломати билан ифода киласиз, бу даврни нима деб атамок тўгрисида фикрингизни билдирмайсиз. Сиз шуни унутасизки, савол аломати канча чиройли бўлса бўлсин, илм учун бир нарса бермайдир. Бизнинг фикримизга карши экансиз, фикрингизни билдиринг. Айтинг-чи, темурийлар даврига кандай исм берасиз?

Бундан сўнг маколанингизда менинг таржимаи холимни текширишга киришасиз. Менинг бир вақтлар мутасаввиф, панисломист, пантуркист бўлганимни турли далиллар билан исбот килмокчи бўласиз. Пилонингиз яхши. Мактанарлик пилон, агар сиз менинг «Намуналар»имни бурунги панисломистлигимнинг, пантуркистлигимнинг давоми эканини, бу асарим билан мазкур фикрларнинг биттасини ўзбек оммасига тақдим

килганимни исбот кила олса эдингиз, ишингиз кўб муваффакиятли чикар эди. Лекин бунни кила олмагансиз. Бу кун бир кўб кишиларнинг мозийлари хакида гапириш мумкин. Лекин, бу гапиришгина етарли эмас. Уларнинг мозийлари билан бугунги ишлари орасидаги муносибат ва алокани кашф этиш керак!

8—, 10— йилларда (яъни, 18—20 йил бурун) ёзилган асарларимдан шохидлар келтирасиз. Азизим, менинг кўлимга калам тутиб, асар ёзганимга йигирма йил тўлганини ўзингиз ҳам эътироф киласиз. Бу йигирма йил орасида мен ўзбекча, тожикча юз ўн печатний листлик асар ёздим (маколалар хисоб эмас). Буларнинг хаммасини Шўро хукуматига, пролетариат мафкурасига ярарлик асарлар эканини ҳеч даъво килмадим ва килмайман-да. Ишнинг бу томонини онгламок учун таржимаи холимни ўзимдан тингланг.

Мен Осиёнинг энг кора диний марказларидан ва кора бир усули идорага тобеъ бўлган Бухорода 1884 йилда тугилдим[7]. Биринчи тарбияни эски усулдаги диний бир мактабдан олдим. Мактабдан чикгач, диний бир мадрасага кириб олдим, намоз ўқидим, мутаассиб бир мусулмон эдим. Хатто Бухорода янги бошланган жадидлар харакатига каршилик хам килдим. Сўнгралари жадидлар харакатига оралашдим. У замондаги зехняхнинг таъсири эски жадидларнинг ташвик ва ёрдами билан Туркияга тахсил учун бордим. Мана шу вақтларда мен диний реформа тарафдори эдим: динни фан билан келиштириш, фанга тўгри келмайтурган хурофот кисмини диндан чикариш, динни тозалаш хаёлларига ишонган эдим. Вокеан эса, панисломизм гоясининг чуруган бир хаёл эканин кун сайин оча бордим. Панисломизмнинг бўлмагур хаёл эканини онглагач, пантуркизм хаёлига берилдим. Бу вақтларда ёзганим асарларда диний реформистик фикрлар кўрилиб турадир. Сиз эса, мазкур асарлардан менинг мутасаввиф эканимни чикарасиз. Тасаввуф билан озгина таниш бўлса эдингиз, у китобларда мазкур маслакнинг асарини кўра олмаганингизни ўзингиз онглар эдингиз.

Мен ҳеч бир вақт тасаввуфга мансуб бўлмадим. Лекин адабиёт тарихини текширучи бир муаллим бўлганим сифати билан тасаввуфни жуда кўб текширдим. Бу кун тасаввуфнинг хар томонини, энг коронгу сирларини биламан. Хатто, шу кунларда «Ўрта Осиёда тасаввуф тарихи» исмли бир китоб[8] вужудга келтирмак учун тиришмакдаман. Тасаввуфнинг кандай захарли, кандай зарарли бир маслак эканини хар кимдан хам яхши билиб олганман. Лекин ҳеч вақт мутасаввиф бўлмаганман.

Сўнгралари хаёт мени пантуркизмда котиб колишда кўймади. Мен ўзбек миллатчисига айландим. 17—18-йилларда Ўрта Осиёда пантуркизм харакати кенгаймоқда эди, айникса, Тошкентда пантуркизм фикри билан сугорилган турли тўдалар ташкил бўлди.

Турк тилларини, турк адабиётини бирлаштириш шиори остида «иш» кўрилди. Мактабларда усмонли адабиёти она тили дарслари ўрнида кабул килинди. Мана шу харакатга карши ўзбек тили, ўзбек адабиёти шиорлари остида «Чигатой гурунги» ташкил килинди. «Чигатой гурунги» ўзбек миллатчилиги: ўзбек тили, ўзбек адабиёти шиорлари остида пантуркист тўдаларга ва шунга берилган ўнг жадидларга карши курашди. Сиз «Чигатой гурунги» пантуркист эди» деб кичкирасиз. Айникса, шу кунларда «Чигатой гурунги»ни пантуркист дейиш мўда холига кириб борадир. Холбуки, «Чигатой гурунги» ўз замонида пантуркизм, панисломизм харакатларига карши курашмоқда эди. Сизга

иккита факт кўрсатай: бутун мактабларимизда «Умумий турк тили, умумий турк адабиёти» шiorлари хукм сурганда «Чигатой гурунги» ўзбек тили, ўзбек адабиётини ўргатиш учун Хадрада пулсиз дарс беришни эълон килди. Муаллимликка мен, Шокиржон Рахимий, Каюм Рамазон тайин этилдик. Дарсга бир кўб муаллимлар давом этмакчи бўлиб келдилар. У вақтларда Тошкент маориф шўъбасида пантуркистларнинг тўдачилиги ёрдамчилари хукм сурар эди. Мана шулар бир дарсдан кейин бизни кувдилар, талабаларни таркатдилар.

Бир кеча «Чигатой гурунги»нинг мажлиси бўлган эди. Гурунг аъзолари томонидан ёзилган асарларни ўкиб, мухокама килмоқда эдик. Тошкентнинг энг катта ташкилотининг бирида турган бир ўртоқ[9] винтовка кўтариб келиб, мажлисимизга бирдан кирди. «Чигатой гурунги»нинг мақсадини сўради. «Сиз динга карши фикр таркатар экансиз, Мухаммад пайгамбарнинг меърожини инкор килар экансиз» деб тафтишга киришди ва бизни «мундока йўлсиз харакатлар»дан манъ килиб кетди. Мана буларнинг хаммаси пантуркистларнинг игвоси билан бўлар эди: «Мен «Чигатой гурунги» пролетар мафкурасини ташир эди» демайман, буни даъво килиш жинниликдир. Тузук, «Чигатой гурунги» бевосита сиёсат билан машгул бўлмокни истамади, ёлгиз тил, имло, адабиёт билан шугулланди. Лекин унинг айрим аъзолари ўша вақтда сўл миллатчи эдилар. Шунинг учун айта оламизким «Чигатой гурунги» жадидларнинг сўл каноти бўлиб, у жадидлардан тил, имло, адабиёт ва динга карши хам пантуркизм ва ўзбек миллатчилиги билан ажралар эди. Мана бу тафсилот «чигатой гурунги»нинг кўрсатилган илмий ишларда пантуркист, панисломистларга нисбатан инкилобий йўл тутганини кўрсатади. Агар сиз «Бу илмий тўгаракнинг аъзолари ўзбек миллатчилари эдилар, шунинг учун бу тўгарак карши курулган бир ташкилот эди» десангиз, нон орасидан кир изламакдан бошка бир иш килмаган бўлурсиз. «Чигатой гурунги» 20-йилларгача давом килди. Бу вақтгача унинг ўз олдига кўйган илмий юмушлари бажарилган эди. Янги имло шўро маориф комиссарлиги томонидан мактабларга киргизилган шўро ҳукумати томонидан «Хар миллатнинг мактаб тили ўз она тилида бўлсин» деб эълон этилган асос билан ўзбек тили таъмин этилган эди. Бир тарафдан, коммунистлар фиркасининг миллий маъсала ни тўгри хал килмоқда бўлгани ва мустамлакачилик асосларини емиришда кескин йўл тутгани кун сайин очик кўрина бошлаган, ўзбек миллатчиси бўлиб туришда хам маъкул бир сабаб колмаган эди. «Чигатой гурунги» таркалди. Унинг аъзолари битта-битта ўз хатоларини эътироф кила-кила фирка сафига ўтдилар ва бор кучлари билан бу кунгача хизмат килмоқдалар.

Эмди ўзимнинг дин билан муносибатим хақкинда сўзлашайлик. Мен юкорида айтганим каби бир вақтлар диний реформа тарафдори эдим. Динни хурофотдан ажратиш деган хаёлга берилган эдим. Мана шу диний реформа кетидан юриш, мени динсизликка[10] олиб борди. Дин хурофотдан ажралса, нари томонда хеч бир нарса колмаганини кўрдим. Диннинг фан билан хеч бир вақт келиша олмаганига ишондим ва шунинг натижасида диндан кайтдим, динга карши фикр таркатдим. Менинг динсизлигим ўзбеклар ва тожиклар орасида хаммадан бурун, хаммадан кўбрак машхур бўлган. Бу нуктани инкор килиб бўлмайди. Динсиз, худосиз бўлган бир кишининг мутасаввиф бўла олмаслигини онгламок учун жуда оз бир мухокама кучининг сизда борлигини, рухсат берсангиз, кабул килайлик.

Маколангиз бир ерида мени Туркия султонига мактуб ёзиш билан айблайсиз. Мен умримда Туркия султонига мактуб ёзмадим, бу менга тамоман тухмат! 1908 йилда ёзганим бир асаримда Бухоро хонлигида хукм сурган диний таассубни ва шунга таянган идора усулини эслайсизми? У вақтда Бухорода бир калла 2 тийин эди. Хибс килиш, ўлдириш, сангсор[11] килиш кундаги одатлардан эди. У замонларда китоб ёзишнинг ўзи «кофир»лик эди. Мен шу вақтларда биринчи асаримни ёздим[12]. Бухоронинг идора усулини, таълим-тарбия усулини, бир кўб расмий идораларни танкид килдим. Бу китоб Бухорода таркалар эди.

Унинг ноширлари бўлган Бухоро жадиждларини тахликага туширмаслик учун амирга каратиб бир сўз боши ёздим ва шунинг билан, гўё, танкиднинг унга эмас, маъмурларига оид бўлганини кўрсатдим. Бу замондаги Бухоронинг жавоби эди. Шунинг билан мени Бухоро амирининг тарафдори дейиш ҳам мумкин эмас, меним Бухоро амирига карши хар вақт курашганим ва курашган ташкилотларга рахбарлик килганимни билмаган йўк.

Сўнг тўрт-беш йилда ёзганим «Арслон», «Умар Хайём» каби асарларимни, хатто танкид килганингиз «Намуналар»даги даврлар таксимини шу йўл билан олиб боришга тиришдим. Мазкур ишларимда янглишлар бўлуви мумкин. Лекин буларни(нг) воқеаларини тахлил килганда бўлган янглишлардан хисоб килиб, танкид килиш, хато жойларни кўрсатиш керак. Хар бир янглиш янги янглиш деб ўйланган нуктани, менинг йигирма йил бурунги панисломистлигим билан изох килиш тўғри илмий бир харакат бўлмайди. Азизим, Ўрта Осиёнинг оламга маълум бир маданияти бўлган, бу маданиятнинг туркий асарлари колган. Бу асарларнинг хаммасига бирдан «ахлатлар» дейиш, сизнинг мухокаманингизнинг кирлигидан чиккан янги бир истилох бўлса керак.

Мен ўзимнинг йигирма йиллик мутолаам, жуда кучсиз бўлмаган кутубхонам соясида шу йўлда ишламоқдаман. Албатта, ишларимда янглишлар бўлуви мумкин. Янглишларимни жой-жойи билан кўрсатиш керак, кўзни юмиб, огизни очиб сўкишнинг илмий фойдаси йўк.

Маколангизда катта харфлар билан «Маориф ва ўқитгучи» журнали Фитратнинг ношири афкори эди дейиш мумкин» деб ёзасиз. Буниси эмди уёт! «Маориф ва ўқитгучи» Рамздан бурун бор эди. Рамз замонида ҳам давом килди. У хар вақт маориф комиссарлигининг ношири афкори бўлиб давом килди. Журналнинг бутун давом муддатида мен ёзган маколамнинг сони ўнга бормайди. У кандай килиб менинг ношири афкорим бўлсин?! Бироз ўйланг, Ўзбекистоннинг марказида фирка ва шўро идораларининг кўзлари остида чикган бир журнал уч-тўрт йил менинг ношири афкорим бўлади-ю, шуни сиздан бошка хеч ким онгламайдими? Сиз бу демагўги билан кимни тахрир килганингизни ўйладингизми?!

«Маориф ва ўқитгучи» журналида Яссавий хакида ёзганим маколадан сўз очасиз[13]. Мен у маколамда Яссавийни санъат ёгидан, мафкура томонида каттик танкид килдим, унинг зарарли эканини, унинг таъсирига карши курашмоқ кераклигини сўзладим. Ёлгиз унинг баъзи шеърларига олданиб, унинг йўқсуллар томонида турганин кабул килмоқчи бўлдим. Сўнгралари эса, фикримнинг янглиш эканини онгладим. Сизга ёкмаган «Намуналар»имнинг мукаддимасида Яссавий хакинда бошкача фикр юргиздим. Сиз

«Намуналар» хакинда танкид ёзмаганингиз холда Яссавий хакинда унинг мукаддимасидаги сўзларимдан кўз юмиб, «Маориф ва ўқитгучи»даги мақоламга ёпишасиз.

Бундан кейин Чигатой адабиётининг «мундарижаси» ва «шакли» хакинда фикр юргузасиз. Бошлаб Чигатой шоири деб Навойи билан Яссавийни кўрсатасиз. Азизим, сизда чигатой сўзига карши кизик бир холат пайдо бўлган, ўзингизга ёкмаган хар кимни чигатой деб сўкмокчи бўласиз, ишнинг бу кадари чегарани ошишдир. Яссавий Чигатой шоири эмас. У Чигатой адабиётидан бурун ўткан бир шоир. Сўнгра Навойидан намуналар олганда менинг тартиб килганим ва сизнинг танкид килганингиз китобдан олмайсиз-да, Навойининг ўз девонидан, диний мавзудаги байтларни оласиз. Сизнинг у намуналарингизни кўрган киши менинг китобимдан олганингизни гумон киладир-да, менга хужумларингизни кисман хакли кўрадир. Сиз хам шуни истайсиз. Холбуки, Навойининг динсиз бир шоир эканини мен даъво килмадим. Унинг диний парчалари бор хам кўбдир. Лекин менинг «Намуналар»имдаги асарлари бу катордаги асарлар эмас.

Навойидан олган байтларни таржима килишингиз бир оз «вадудона» бўлган, кўби тўгри эмас. Сўнгра Навойи билан Яссавийдан берганингиз намуналарга суяниб, «Чигатой адабиётининг шаклидан хам фойдаланиш мумкин эмас» дейсиз. Лекин сиз шакл билан вазни бир-биридан ажрата олмангиз. Шакл деб вазн билан айрим сўзларни оласиз. Холбуки, шаклга ифода тарзи, мажоз, истиора ва шеърнинг бутун (поэтик) хусусиятлари кирадир.

Навойининг вазнидан фойдаланиш, албатта, мумкин. Мундан бошка(си) Яссавийнинг вазнидир. Яссавий ва Яссавий мактаби шоирларида бармок вазнининг чиройлик намуналари бор, фойдаланиш мумкин. Сиз Яссавийни чигатой шоирларининг аруз вазнида ёзганлари ўйлаб, шу хатоларга тушгансиз. Хатто кўчирганингиз Навойи билан Яссавий шеърлари орасида бўлган вазн айирмасига хам диккат килмангиз...[14]

[1] «Жалил Бойбўлатовга очик хат» шаклида ёзилган ушбу мақола 1919 йил «Кизил Ўзбекистон» газетасининг 15—16 сентябр (215—216) сонларида эълон килинган бўлиб, Ж. Бойбўлатов катор чиқишларида Фитратни «пантуркизм» ва «панисломизм»да айблади. Айникса, Фитрат томонидан тузилган «Ўзбек адабиёти намуналари, I жилд» (1928) ва сўз боши муаллифи Отажон Хошим кескин танкид остига олинган эди.

[2] мухаррир — муаллиф маъносида.

[3] Абдурауф Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. 1 китоб. Самарканд — Тошкент, 1928 йил.

[4] Фитратнинг «Ўзбек адабиёти намуналари» китоби муносабати билан «Кизил Ўзбекистон» рўзномаси саҳифаларида Ж. Бойбўлатов чиқиш килиб, факатгина ушбу китобни эмас, умуман, Фитрат ижодини кескин танкид килган эди.

[5] копови — камрови.

[6] текириш — текизиш.

[7] Бошка кўпгина манбаларда Фитратнинг тугилган йили деб 1886 йил санаси кўрсатилган. Хусусан, С. Айний шундай маълумот беради: «Абдурауф Фитрат Бухорий — тугилган йили 1304 хижрий» (яъни милодий 1886 га тўғри келади). Каранг: С. Айний. Намунаи адабиёти тожик. — М.: 1926, III қисм. Шунингдек, Фитрат хаёт пайтида эълон этилган «Катта Совет комуси»да ҳам шу сана келтирилади. Каранг: Фитрат Абдурауф. БСЭ, М., 1936, т.57. 6.656.

[8] «Ўрта Осиёда тасаввуф тарихи» номли китоб ёзаётгани хақида бир неча бор маълумот беради, бироқ бу иш охиригача етмаган. Тугалланмаган кўлёманинг тақдири эса номаълум. Фитрат томонидан келтирилган «захарли», «зарарли» сўзлари унинг тасаввуфга муносабатини белгиламайди. Бу факат давр тақозоси билан юзага келган, ноҳақ танқиддан ўзини химоя қилишнинг бир йўли, холос. Фитратнинг ўзбек адабиёти тарихи хақидаги қатор ишлари билан танишишнинг ўзиёқ бу фикрни тасдиқлайди.

[9] Юсуф Алиев (1891 — 1946) назарда тутиляпти. Туркистон Компартиясининг арбобларидан бўлиб, ўша пайтда Туркистон Ички ишлар халқ комиссарининг ўринбосари эди.

[10] Бу ўринда динсиз сўзини атеист сўзи билан алмаштирмаслик керак. Чунки Фитрат томонидан ёзилган асарларни синчиклаб кузатганда бу нозик айирма очикрок кўринади.

[11] сангсор — тошбўрон қилиш.

[12] Гап «Мунозара» хусусида кетяпти. «Мунозара»нинг Истанбул нухасида ўзига хос «Муқаддима» ва «Хотима» ёзилган бўлиб (Ҳожи Мўйин таржимасида бу тушиб қолган), унда Фитрат Бухоро амирига мурожаат этиб, мамлакатнинг қолоқ аҳолини баён қилган эди.

[13] Тилга олинган мақола «Маориф ва ўқитғучи»да босилган. Каранг: журналнинг 1927 йил, 6—8-сонлари.

[14] Фикрнинг нотугаллигидан ва Фитрат услубидан (у деярли ҳар бир илмий ишининг бошланишида тилга олинган истилоҳга қайтади ва кўпинча, унга бўлган муносабатини тақроран таъкидлаш билан асарини тугаллайди) сезиладики, «хат»нинг давоми бўлган. Буни Фитрат замондошларидан Л. Азиззода ва М. Раҳим қизи тасдиқлаган. Мақоланинг якуни таҳририят томонидан «қайчиланган» бўлиши мумкин. «Идорадан» номи остида берилган редакцион мақолачадан газетанинг ўша пайтдаги адабиётга нисбатан тутган «позиция»сини билса бўлади:

«Идорадан» — Фитратнинг бу мақоласи Чигатой адабиёти масаласига оид бир неча муҳим пайтларини очиб беради, бироқ бу билан чигатойизм унсурлари ва уларнинг қолдиқлари билан қураш тамом бўлмайди. Идора бу масала теварагида очган

## Абдурауф Фитрат. Ёпишмаган гажжаклар (1919)

Муаллиф:

13.03.2014 23:57 -

---

музокарани давом эттиришни лозим топади.